

# БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Илмий-амалий ойлик журнал

## РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

Ежемесячный научно-практический журнал

07 2019

**ТУРИЗМ РИВОЖИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА  
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ** – 44-БЕТ



- «EUROASIA INSURANCE»: МИЖОЗЛАР БИЛАН УЗОҚ МУДДАТЛИ  
ҲАМКОРЛИК – 4-БЕТ
- ХАЛҚ БАНКИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА – 10-БЕТ
- «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» – ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ БОЗОРИДА  
25 ЙИЛ – 26-БЕТ



# OSON OMONATI



ИСТАГАН ВАҚТДА МАБЛАҒ  
ҚЎШИШ ВА ЕЧИШ МУМКИН!



71 200-43-43



[www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz)




@sqbuz

Хизматлар лицензияланган

W  
Xi

J

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK



ASAKA  
BANK

# MIKROQARZLAR



**1** kunda **20** million so'mgacha

[www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz)  
Xizmatlar litsenziyalangan

+ (998 71) 200-55-22



# Contents

July №7 (266), 2019 year

## INSURANCE MARKET

- 4** *V. Umirov*  
"EUROASIA INSURANCE": we are proud to be  
a long-term partner for our clients

## BANKING ACTIVITY

- 10** The People's Bank is making progress towards  
its development, and its loans contribute  
to the well-being of the people

- 20** Investment activity of  
JSCB "Turonbank"

- 26** *Sh. Oripov*  
"Qishloq Qurilish Bank":  
25 years in the financial market of Uzbekistan

## MARKET INFRASTRUCTURE

- 36** *Sh. Bozarov*  
Improvement of legislation on leasing  
as a necessary condition for functioning  
a modern leasing services market

## DEVELOPMENT OF TOURISM

- 44** *Z. Fayzullaeva*  
The Great Silk Road traditions continue

## INDUSTRY

- 54** *M. Turaev*  
Formation and main directions of further  
development of cement industry in Uzbekistan

## INTERNATIONAL INDICES

- 62** *A. Khudaynazarov*  
How to improve the position of Uzbekistan  
in the Index of Economic Freedom?

## WORLD NEWS

- 72** International economy in brief

## МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,  
Агробанк, Асакабанк, Алоқабанк,  
Капиталбанк, Микрокредитбанк,  
Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки,  
Туронбанк, Трастбанк, Халқ банки,  
Ўзсаноатқурилишбанк, Кишлоқ қурилиш банк,  
Ипотекабанк, Ипак йўли банки

## ТАҲРИР КЕНГАШИ:

**М.Б. НУРМУРАТОВ**  
(кенгаш раиси),  
**И.И. НОРҚУЛОВ**  
**О.А. БУТАЕВ,**  
**А.Х. ШОДМОНОВ,**  
**Р.О. ОХУНОВ**  
(бош муҳаррир),  
**Ш.Т. КАРАЛИЕВ**  
(кенгаш котиби),  
**А.Б. ВОИТОВ,**  
**К.Н. ИРИСБЕКОВА,**  
**А.Қ. МИРСОАТОВ,**  
**Ч.С. МИРЗАЕВ,**  
**Б.М. МУЛЛАХОНОВ,**  
**С.Р. НОРМУХАМЕДОВ**

## ТАҲРИРИЯТ:

Директор:  
Г.Н. БЕЗГИН  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
В.С. УМИРОВ  
Масъул котиб:  
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ  
Реклама ва маркетинг хизмати раҳбари:  
Г.Н. ҲАНДАМОВ  
Тел.: (+998)71-291-60-20,  
(+998)97-752-43-77  
(+998)97-752-44-77

## ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,  
Тошкент ш., Толлимаржон кўч., 1/1-уй.  
<http://www.bpk.uz/>  
e-mail: [info@bpk.uz](mailto:info@bpk.uz)

Материаллар кўчириб босилаётганда  
журналдан олинган кўрсатилиши шарт.  
Юборилган кўлэмаларни такриз қилиш  
ва қайтариб юборишни таҳририят  
ўз зиммасига олмайди.

Журналнинг обуна индекси: 853  
ISSN 2010-6580

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида  
2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.  
Гувоҳнома рақами: 0058  
Теришга берилди: 19.07.2019 й.  
Босишга рухсат этилди: 09.08.2019 й.  
Бичими: 60x90/8.

Офсет босма усулида чоп этилди.  
Шартли босма табоғи: 9.0.  
Букюртма № 58 Адади: 2550.  
«Lux Print» МЧЖда чоп этилди  
(Тошкент шаҳри, Миробод тумани,  
Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй).  
Баҳоси шартнома асосида.

## МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп  
этомки бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда  
қуйидаги манзилга юборинг: [info@bpk.uz](mailto:info@bpk.uz)  
Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга  
талаблар билан журнализмизнинг [www.bpk.uz](http://www.bpk.uz) сайти  
орқали танишингиз мумкин.  
Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга  
мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий  
даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини  
аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги  
аннотациясини юборишлари шарт.



7/2019

Июль (266)

## Бозор, пул ва кредит

Илмий-амалий ойлик журнал

1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

### БУ СОНДА В НОМЕРЕ

#### СУҒУРТА БОЗОРИ

- 4** *В. Умиров*  
«EUROASIA INSURANCE»: мижозларимиз учун узок  
муддатли ҳамкор бўлишдан ғурурланамиз

#### БАНК ФАОЛИЯТИ

- 10** Халқ банки тараққиёт сари дадил  
одимламоқда ва унинг кредитлари  
халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда
- 20** «Туронбанк» АТБнинг истиқболга сарфлаётган  
сармоялари

- 26** *Ш. Орипов*  
«Қишлоқ қурилиш банк»:  
Ўзбекистон молия бозорига 25 йил

#### РЫНОЧНАЯ ИНФРАСТРУКТУРА

- 36** *Ш. Бозаров*  
Совершенствование лизингового  
законодательства как необходимое условие  
функционирования современного рынка  
лизинговых услуг

#### РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА

- 44** *З. Файзуллаева*  
Буюк Ипак Йўли анъаналари давом этади

#### ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

- 54** *М. Тураев*  
Становление и основные направления  
дальнейшего развития цементной  
промышленности Узбекистана

#### МЕЖДУНАРОДНЫЕ ИНДЕКСЫ

- 62** *А. Худайназаров*  
Как улучшить позицию Узбекистана  
в Индексе экономической свободы?

#### ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

- 72** Халқаро иқтисодиёт қисқа сатрларда





## «EUROASIA INSURANCE»: МИЖОЗЛАРИМИЗ УЧУН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОР БЎЛИШДАН ҒУРУРЛАНАМИЗ

*«EUROASIA INSURANCE» суғурта компанияси томонидан таклиф этиладиган суғурта хизматларидан фойдаланиш имконияти Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудуди бўйлаб жойлашган кенг тармоқли бўлинмалар орқали таъминланган. Ҳам жисмоний шахсларга, ҳам юридик шахсларга соҳага оид 17та классдаги 100дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган. Компания таркибига ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият юритувчи «Euroasia Life» суғурта компанияси ҳам қиради. Компаниялар гуруҳи жамлама устав капитали 25,2 млрд. сўм миқдоридан шакллантирилган.*

**Ж**урналимиз бош муҳаррир ўринбосари Воҳид Умиров «EUROASIA INSURANCE» суғурта компанияси фаолияти, унинг режалари ва соҳани ривожлантириш масалалари тўғрисида компания Бош директори Музаффар Мирзамаҳмудов билан суҳбатлашди:

– Компаниянинг республика суғурта бозоридаги бугунги ҳолати ҳақида гапириб берсангиз.

– Тарихга назар солсак, компаниямиз 1998 йил 18 декабрда ташкил этилган ва дастлаб «Toshkent Sug'urta» суғурта



**Музаффар  
Мирзамаҳмудов,**  
«EUROASIA INSURANCE»  
суғурта компанияси МЧЖ  
Бош директори

компанияси деб номланган, кейинчалик, 2010 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҚК МЧЖ «"Euroasia Insurance" Суғурта Компанияси» номи билан янги шаклда қайта рўйхатдан ўтказилган.

«Euroasia Insurance» Суғурта компанияси муассислари орасида хорижлик инвесторлар ҳам бор, яъни компания Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти сифатида ташкил этилган.

Компаниянинг 20 йиллик фаолияти натижаси ўлароқ у



Ўзбекистонда фаолият юри-тувчи суғурта компаниялари орасида биринчи ўнликка кирди. Ходимларимиз саъй-ҳаракатлари билан компаниянинг ишончлилик рейтинги «Ahbor – Reytinq» Миллий рейтинг агентлиги шкаласи бўйича «uzA+ жуда юқори» даражасида «Барқарор» дея эътироф этилгани меҳнатимизнинг муносиб қадрланаётганидан дарак беради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, суғурта компаниялари умумий рейтингда компания ўз мавқеини айнан сўнгги бир неча йиллик фаолияти натижаларига кўра анча мустаҳкамлашга эришди. Суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича X-Тошкент халқаро форуми доирасида «Euroasia Insurance» «2017 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши суғурта компанияси» дея эътироф этилиши ҳам шундай дейиш учун бизга асос беради.

Ўзбекистон Республикаси-ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган тамойилларга асосланиб компаниямиз фаолиятини янгидан ташкил этиш, мижозлар талабларига жавоб берадиган янги маҳсулотларни яратиш ва амалиётга жорий

Янги маҳсулотларни яратиш муҳим аҳамият касб этади ва янги таклифлар компаниямизнинг бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш учун хизмат қилишини тушунган ҳолда чакана хизматлар сегментидаги хизматлар кўламини кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

этиш юзасидан иш олиб бормоқдамиз.

– **Ҳозирда истеъмолчиларга қандай янги маҳсулотларни таклиф этяпсиз?**

– Янги маҳсулотларни яратиш муҳим аҳамият касб этади ва янги таклифлар компаниямизнинг бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш учун хизмат қилишини тушунган ҳолда чакана хизматлар сегментидаги хизматлар кўламини кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Мол-мулк, транспорт воситалари суғуртаси (Авто-КАСКО), сайёҳларни суғурталаш бўйича янги маҳсулотларни жорий этдик ва улар юзасидан маркетинг ва реклама ишларини жадал олиб боряпмиз.

Бундан ташқари, республика-мизда сўнгги йилларда мажбурий суғурталашнинг ижтимоий йўналтирилган турлари жорий этилди, шунингдек, ихтиёрий суғурта турлари анча

кенгайди. Бундан ташқари, компаниямизнинг минтақавий тармоғи республика-мизнинг деярли барча ҳудудларини, ҳатто бориш қийин бўлган энг чекка қишлоқларгача қамраб олди. Қолаверса, мижозларга хизмат кўрсатишда янги ахборот технологияларини қўллаш орқали компаниямизнинг барқарор ва илгарилама ривожланишини таъминлаш ниятида-миз. Таъкидлаш жоизки, хизматлар сифати ва тезкорлигини ошириш, суғурта ҳодисаларини ўз вақтида ҳал этиш, суғурта тўловларини тўлаб бериш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди, аксарият суғурта жараёнлари автоматлаштирилгани ишда ўзининг ижобий натижасини кўрсатди.

Маҳсулот ва хизматларимиз сифатини ошириш, тўловга қодирлик ва бозордаги мавқени мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириб боряпмиз.

– Суғурта фаолияти молия бозорини турли хил хатарлардан ҳимоялашга қаратилган бўлса-да, бугунги кунда соҳа етарли даражада ривожланмаган. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан тегишли йиғилишда танқид остига олинди. Ечимини кутиб турган масалалар ҳақида нималар дея оласиз?

– Тўғри, молия бозори ривожда суғурта соҳаси катта салоҳиятга эга бўлиб, уни ривожлантириш учун қонун ижодкорлари ва соҳа мутахассисларидан катта меҳнат талаб этилади. Компаниямиз фаолияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун рақамларга мурожаат қиламиз. 2018 йилнинг 1-ярим йиллиги якунлари бўйича суғурта мукофотлари, яъни тушумлари 24 млрд. 807 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг 1-ярим йиллигида бу рақам 75 млрд. 506 млн. сўмни ташкил қилди. Бу бир йилда деярли уч марта ўсиш, демакдир. Деярли 55 минг мижоз бизнинг хизматларимиздан доимий фойдаланиб келмоқда. Бироқ айрим масалалар борки, суғурта бозорининг ри-

Компаниямиз фаолияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун рақамларга мурожаат қиламиз. 2018 йилнинг 1-ярим йиллиги якунлари бўйича суғурта мукофотлари, яъни тушумлари 24 млрд. 807 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг 1-ярим йиллигида бу рақам 75 млрд. 506 млн. сўмни ташкил қилди. Бу бир йилда деярли уч марта ўсиш, демакдир.

вожланиши уларнинг тез бар-тараф этилиши билан боғлиқ.

- Бугун ЯИМ ҳажмида суғурта мукофотлари улуши анча пастлигича қолмоқда. Бу суғурта компаниялари амалдаги талабни қондириш билангина чекланиб қолаётганлари, бозор қамровини кенгайтириш ҳақида етарли даражада қай-ғурмаётганларидан далолат беради. Америкада бу кўрсаткич 6,5%га, Ғарбий Европада 7,5%га, Осиёда 5,6%га, ривожланаётган бозорларда 3,2%га тенг. 2018 йил натижалари бўйича бир йилга аҳоли жон бошига суғурта мукофоти бизда бор-йўғи сўм эквивалентида 6 АҚШ долларини ташкил этди, Швейцарияда бу кўрсаткич жуда юқори – 4,5 минг АҚШ долларидан кўп, АҚШда эса

тахминан 3 минг АҚШ долларага тўғри келади. Ўйлаймизки, бундай ҳолат асосан аҳолининг суғурта маҳсулотларига ишонқирамаслиги билан боғлиқ;

- Ўзбекистонда суғурта бизнеси концентрациялашуви 2018 йил натижалари бўйича юқорилигича қолмоқда – илк 5та компаниянинг ҳиссасига жами суғурта мукофотларининг 48,3%и, илк 10та компаниянинг ҳиссасига эса 74,4%га яқин қисми тўғри келади. Бунда илк ўнталикка ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи учта компания ҳам киради;

- Суғурта хизматлари тузилмасида ихтиёрий суғурта турлари 84,5%ни, мажбурий суғурта турлари бор-йўғи 15,5%ни ташкил қилади. Ривожланган давлатларда маж-



бурий суғурта турлари 50%дан ортиқ улушга эга;

- *Ҳаёт суғуртаси бўйича хизматларнинг улуши пастлигича қолмоқда, ҳолбуки ривожланган мамлакатларда ҳаёт суғуртаси маҳсулотларининг жами суғурта мукофотлари миқдоридаги ҳиссаси 50%ни ташкил этади.* Бизда суғурта хизматларининг мазкур сегменти деярли ривожланмаган (0,3%), компанияларнинг мазкур суғурта билан шуғулланувчи бўлинмалари сони ҳам кам (1,2%), тақдим этилаётган хизматлар кўлами ҳам кичик (4,5%);

- *Суғурта соҳасида замонавий ахборот технологиялари жорий этилиши даражаси ҳам пастлигича қолмоқда, бу эса истеъмолчиларнинг суғурта хизматларидан онлайн тарзда фойдаланиш имкониятларини чекламоқда ва электрон тарзда маълумот алмашиш тизими ташкил этилишига тўсқинлик қилмоқда.*

- *Суғурта компанияларида инвестиция фаолияти етарли даражада ривожланмаган, бунда аксарият қўйилмалар қуйидагича кўринишга эга: банк депозитлари (омонатлари) – 51,8%, қимматли қоғозларга қўйилмалар – 35,2%, кўчмас мулкка қўйилмалар – 6,0% ва корхоналарнинг устав фондида иштирок этиш – 6,2%. Турли қарзлар (0,7%) ва бошқа инвестицияларга (0,1%) инвестициялар умумий ҳажмининг 1%дан камроқ қисми йўналтирилган.* Масалан, Буюк Британияда суғуртачилар инвестицияларининг 40%дан кўпроқ қисми ҳар йили бизнесларни харид қилишга йўналтирилади, ЕИ мамлакатларида инвестиция портфелининг 50%дан кўпроқ қисмини хусусий бизнесга қарашли қимматли қоғозлар ташкил этади. Бизда бу қисман қимматли қоғозлар бозори ривожланмагани билан изоҳланади.

роқ қисмини хусусий бизнесга қарашли қимматли қоғозлар ташкил этади. Бизда бу қисман қимматли қоғозлар бозори ривожланмагани билан изоҳланади.

- *Ўзбекистон суғурта бозори географик жиҳатдан ҳам юқори даражада концентрациялашган.* Суғурта мукофотларининг асосий қисми (59%дан кўпроғи), аввалгидек, деярли барча молия оқимлари жамланган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида шаклланади;

- *Бозорнинг ўзгарувчан шароитларига тезроқ муносабат билдириш учун суғурта ташкилотлари ахборот алмашинувини жадаллаштиришлари ва коммуникация тармоғини ривожлантиришлари лозим.* Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб янги, замонавий суғурта турларини жорий этиш муҳим йўналиш ҳисобланади, ҳаётни ва инвестиция хатарларини суғурталаш, тиббий суғурта ва бошқа мажбурий суғурта турлари шулар жумласидандир;

- *Суғурта маҳсулотлари халқаро бозорида 1000дан ортиқ, шунингдек, ҳаёт суғуртаси бўйича 300дан ортиқ турдаги суғурта маҳсулотлари тақлиф этилади.* Бизда молия муассасалари жавобгарлиги, дирек-

торлар ва менежерларнинг акциядорлар олдидаги жавобгарлиги, маданий қимматликлар, таълим олиш учун ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш, никоҳ тузилиши билан боғлиқ суғурталаш каби суғурта турларидан фойдаланилмайди.

– **Ходимлар салоҳияти етарли деб ўйлайсизми?**

– Республикамизнинг барча ҳудудларида 48та филиалимиз фаолият кўрсатмоқда ва янгидан янги миқозларни жалб этиш йўли билан суғурта мукофотларини йиғиш ҳажмларини йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлар хизмат омилкорлигини доимий ошириб бориш ва минтақавий бўлинмаларни ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикада суғурта соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари бармоқ билан санарли. Мутахассислар етишмайди, шу боис уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Айти пайтда аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, уларнинг суғурта хизматлари борасидаги билимлари ва маданиятини бойитиш бўйича турли тадбирлар ўтказяпмиз.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи суғурта ташкилотлари активларининг жами миқдори 2 534,1 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2014 йилдагига қараганда 2,9 марта кўп демакдир. Мазкур ташкилотларнинг ўз маблағлари жами миқдори 1 385,2 млрд. сўмга етди (2017 йилга нисбатан ўсиш 24%ни ташкил қилди). Суғурта захираларининг умумий ҳажми 1 112,2 млрд. сўмга етди (ўсиш – 45%).

Шу билан бирга, соҳа учун мутахассис тайёрлайдиган хорижий олий ўқув юртларининг мамлакатимизга кириб келиши айна муддао бўлар эди.

**– Компаниянинг режалари ҳақида гапириб берсангиз.**

– Умуман олганда, компаниямиз фаолияти аввалбошданок истеъмолчилар суғурта маҳсулотларининг тўлиқ пакетидан фойдалана олишига қаратилган эди. Бундай ёндашув ўз самарасини беряпти: хизматлар нафақат мижозларнинг маълум гуруҳи учун, балки уларнинг ҳар бирига мўлжаллаб, уларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилапти. Натижада суғурта тўловлари ҳажми жорий йилнинг 6 ойида ўтган йилнинг олти ойлик натижасига қараганда уч баравар ошди. Бу кўрсаткич бўйича компаниямиз кучли бешликдан муносиб жой олди.

2018 йилда компаниямиз томонидан ҳар ой ўрта ҳисобда 23–24та тўлов амалга оширилган бўлса, 2019 йилнинг биринчи ярмида ҳар ойда ўртача

42та тўлов амалга оширилди. Компания суғурта ҳодисалари юз берганда молиявий ҳимояни кафолатловчи ва қўллаб-қувватловчи сифатида мижозлар олдидаги мажбуриятларини бажариб келмоқда.

Жорий йилнинг олти ойи давомида жисмоний шахслар ва сайёҳлар учун 10дан ортиқ янги суғурта турлари жорий этилди, натижада саёхатлар давомида юз бериши мумкин бўлган эҳтимолий хатарлардан ҳимояни таъминлаяпмиз. Кези келганда айтиш жоизки, республикада фаолият юритаётган 30та суғурта ташкилотининг ҳаммаси ҳам сайёҳларни суғурталаш полисини таклиф этиш имкониятига эга эмас. Транспорт воситалари суғуртаси ҳам компаниямизда ўзлаштирилган янги йўналишлардан бири ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала Ўзбекистонда суғурта соҳасини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган Стратегияси ишлаб чиқилиши билан боғлиқ. Мазкур Страте-

гияда суғурта бозорини ривожлантириш, унинг ликвидлигини ошириш, инвестициялар жалб этишни фаоллаштириш, соҳада янги инструментларни жорий этиш, шунингдек, соҳада соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ва инвесторларнинг ишончини ошириш каби муҳим масалалар акс эттирилиши лозим.

«EUROASIA INSURANCE» суғурта компаниясига келадиган бўлсак, ўрта муддатга мўлжалланган трансформация жараёни қуйидаги лойиҳа ва режаларни амалга оширишни назарда тутди:

**Биринчидан**, аҳоли ва тадбиркорларнинг суғурта бозорига ишончини ошириш учун суғурта ҳолатлари бўйича муддатлар ва ҳужжатларни, суғурта ҳодисасини баҳолаш ва тўловларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни режалаштиряпмиз.

**Иккинчидан**, суғурта бозорига кенг тарқалган, иқтисодий тармоқларини суғур-

**” МАЪЛУМОТ ЎРНИДА**

«Суғурта» атамасининг луғавий маъноси – «суғурта шартномасида шартлашилган суғурта қалтислиги натижасида суғурта қопламасини тўлаб бериш» демақдир. Компанияга 2018 йил 1-ярим йиллиги яқунлари бўйича 173та суғурта даъво аризаси келиб тушган бўлса, 2019 йил 1-ярим йиллигида бу рақам 348тани ташкил қилди. 2018 йил 1-ярим йиллиги яқунлари бўйича 797 млн. сўм миқдорида суғурта қопламалари тўлаб берилган бўлса, 2019 йил 1-ярим йиллигида бу кўрсаткич 4 баробардан кўпроқ суммани, яъни 3,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Таъкидлаш жоизки, компания суғурта даъволарини кўриб чиқиш учун масъул ходими жорий йил май ойида Германиянинг Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган «Суғурта даъволарини

кўриб чиқиш бўйича IV йиллик Форум»да қатнашди. Европанинг энг йирик суғурта компаниялари иштирок этган ушбу анжуман, шубҳасиз, жуда катта тажриба мактаби бўлди.

Ҳозирги кунда суғурта даъволарини кўриб чиқишда эскича ёндашувдан воз кечган ҳолда мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, суғурта даъвосини кўриб чиқиш муддатини кескин камайтириш, мижозлардан ҳужжатлар талаб қилишни минимал даражага тушириш, яъни даъво ишини кўриб чиқиш ва унинг натижасини бошқа ташкилотлар маълумотномалари ҳамда ҳужжатларига алоқадор қилиб боғлаб қўйишдан воз кечиш бўйича ижобий қадамлар қўйилмоқда.



талашнинг янги турларини тақлиф этиш устида ишларни давом эттирамиз. Бунда ўзбекистонлик тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар экспортини суғурта маҳсулотларимиз билан қамраб олишга алоҳида эътибор берамиз.

**Учинчидан,** мажбурий тиббий суғурта тизимида ўтишга тайёргарлик кўрилишида ва унинг жорий этилишида мутахассисларимиз иштирокини таъминлаймиз. Бу компаниямизнинг янада самаралироқ фаолият кўрсатишига туртки беради, деб ўйлаймиз. Гап мажбурий тиббий суғурта тизимида фаолият кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг хабардорлигини ошириш ва истеъмолчиларнинг тиббиёт хизматлари минимал ижтимоий пакетини шакллантириш тўғрисида бормоқда.

**Тўртинчидан,** инвестиция фаолияти диверсификация қилиниши ва янги инвестицион механизмлар жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу йўналишдаги ишларимизни солиққа тортиш масалалари яхшиланаётгани билан

уйғун ҳолда олиб боришимиз лозим.

**Бешинчидан,** суғурта соҳасида кадрлар салоҳиятини таъминлаш лозим. Бир вақтнинг ўзида ходимларни уч йўналишда ўқитиш ташкил қилинади: анъанавий ёндашув (маърузалар, мунтазам ўқувлар, амалий ўйинлар); масофадан ўқитиш усуллари (мустақил таълим олиш, веб-семинарлар) ва тимбилдинг (коучинг, ротация, лойиҳа жамоаларини ўқитиш). Дастлабки босқичда ўқитишнинг 42 соатлик «пилот» дастурини йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Олтинчидан,** компаниямиз олдида халқаро рейтингларга эга бўлиниши ва халқаро молия бозорларига чиқиш имконияти таъминланишидек муайян вазифалар турибди. Бу борада компаниямиз таниқли халқаро рейтинг компанияларидан бири билан илк маротаба халқаро рейтингга эга бўлиш масаласида музокаралар олиб бормоқда.

Ўйлаймизки, юқорида келтириб ўтилган режаларимиз нафақат компаниямизнинг ри-

вожланиш имкониятларини кенгайтиради, балки республикада суғурта бозори ривожига сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда ҳисса қўшади.

Биз келажакка ишонч билан қараб, мижозларимиз учун узоқ муддатли ҳамкор бўлиш имкониятидан ғурурланамиз!

– **Самимий суҳбат учун ташаккур.**

## ABSTRACTS

### "EUROASIA INSURANCE": WE ARE PROUD TO BE A LONG-TERM PARTNER FOR OUR CLIENTS

The insurance company "EUROASIA INSURANCE", which has existed on the market of Uzbekistan for 20 years, is among the top ten insurance companies in the market. The company also offers life insurance products. The company leaders shared their views on its activities, plans and issues of development of the insurance market in the near future.

Реклама ўрнида.

Воҳид Умиров суҳбатлашди.

# ХАЛҚ БАНКИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

*Акциядорлик тижорат Халқ банкида кейинги йилларда кузатилаётган молиявий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатлари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.*

*Халқ банки фаолиятини жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг компанияси – «Standard&Poor's» агентлиги В+/В, БАҲҚАРОР, Миллий «Ахборотнинг» рейтинг агентлиги эса доимий равишда «uzA» БАҲҚАРОР рейтинг билан баҳолаб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.*

Албатта, бундай эътироф замирида Халқ банки томонидан кейинги йилларда эришилаётган натижаларнинг ўрни беқиёс. Мисол учун, банкнинг жами капитали 2017 йилга нисбатан 272 фоизга ошиб, 2 триллион 68 миллиард сўмни, жами активлар 192 фоизга ўсиб, 12 триллион 801 миллиард сўмни, жами кредит қўйилмалари эса 249 фоизга ор-

тиб, ҳозирги кунда 8 триллион 220 миллиард сўмни ташкил қилмоқда.

Банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони ҳозирги кунда 16 миллион 200 минг нафарга яқинлашиб, 2017 йилга нисбатан 56 фоизга ошди. Интерактив банк хизматларидан фойдаланувчилар сони ҳам 2017 йилга нисбатан 66 фоизга ўсиб, 28 775 нафарни ташкил қилмоқда.

## 3,2 МИНГ МУАССАСА 33 МИЛЛИОНЛИК АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Халқ банки юртимиздаги энг йирик филиаллар ва бўлимлар тармоғига эга банк ҳисобланади. Жумладан, банкнинг барча туман ва шаҳарларда 198та филиали, 29та мини-банки, 668та чакана амалиёт кассаси, 207та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси, умуман олганда, ҳудудларда 3200дан ортиқ хизмат кўрсатиш

XALQ BANKI

Халқ банки - Менинг оилам банки!



шоҳобчаларида кенг турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Шубҳасиз, ҳар бир банк аввало мижозларига яхши хизмат кўрсатиши, мижоз эса ўзига қулай бўлган банк хизмат турларидан фойдаланиши лозим. Қайсики, банк фаолиятида ўз мижозларига тезкор, қулай ва манфаатли хизматлар кўрсатилар экан, бундан ҳар икки томон ҳам манфаатдор бўлади.

### ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ВА ТУРЛАРИ ОШМОҚДА

Айни пайтда мижозларга кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида бинолар ҳолати яхшиланмоқда. Хизмат кўрсатиш тизими «Фронт-офис» ва «Бэк-офис»ларга ажратилиб, мижозларга юзма-юз қулай шароитларда хизмат кўрсатилмоқда. Натижада мижозларга хизмат кўрсатишда тезкорлик ва сифат ортиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан халқаро пул ўтказмалари бўйича кўрсатилган хизматлар 58 фоизга, мобиль илова орқали «онлайн» конверсия амалиётлари 231,9 фоизга, чакана хизматлар орқали қабул қилинган тўловлар 210 фоизга ошди.

Қолаверса, Банк филиалларининг кредитлаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди. Яъни олдинлари кредит бериш Бош банк рухсати билан амалга оширилган бўлса, эндиликда ҳар бир филиал кредит аризаларини жойида кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, аҳоли учун мўлжалланган янги турдаги Кредит карта, Кобейдж карта, Режали тўлов картаси, Пенсия овердрафт картаси жорий этилди. Ушбу хизматлардан фойдаланган-

1-жадвал

#### Халқ банки жами капитали, активлари, кредит қўйилмалари (млрд. сўмда)

Номланиши	01.01. 2017 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.07. 2019 й.
Жами капитал	554,9	1 351,4	1 803,1	2 068,0
Жами активлар	4 380,9	5 538,3	9 302,4	12 801,5
Жами кредит қўйилмалари	2 352,3	3 040,0	4 691,2	8 220,5
Узоқ муддатли кредитлар	2 078,1	2 823,3	4 522,8	7 463,4

Манба: АТ «Халқ банки» маълумотлари.

2-жадвал

#### Банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони

Номланиши	01.01. 2017 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.07. 2019 й.
Жами мижозлар сони	10 385 682	14 837 329	15 422 573	16 199 677
Жисмоний шахслар сони	10 204 609	14 636 227	15 252 362	15 991 472
Юридик шахслар сони	181 073	201 102	170 211	208 205

Манба: АТ «Халқ банки» маълумотлари.

3-жадвал

#### Интерактив банк хизматларидан фойдаланувчилар сони

Номланиши	01.01. 2017 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.07. 2019 й.
Интернет банкинг	3 810	4 049	3 648	4 458
Мобиль банкинг	-1 390	3 112	4 183	7 766
СМС-хабарнома	12 117	13 804	13 884	16 551

Манба: АТ «Халқ банки» маълумотлари.

лар сони охириги 30 кун ичида 97 минг нафардан ортди.

Аҳоли учун қулай ва жозибадор омонат турлари таклиф этилиши натижасида омонатлар қолдиғи 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 131 фоизга ортиб, 4 332,7 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, банкда ҳисобрақам очиш, корпоратив мобиль-банкнинг ҳамда Интернет-банкнинг хизматлари мутлақо бепул амалга оширилмоқда. Шунингдек, мижозлар учун ишлаш тартиби 24/7 режимида ташкил этилган. Яъни энди Халқ банки мижозлари ҳафтасига етти кун



исталган пайти ҳисобрақамидаги маблағларни филиал руҳсатисиз бошқа ҳисобрақамга (Халқ банки мижозига) эркин тасарруф этишлари мумкин. Қолаверса, вакиллик ҳисобрақамидаги маблағлардан қатъи назар пул маблағларини мижознинг биринчи талаби биланоқ ўтказиб бериш йўлга қўйилди.

### СКОРИНГ ТИЗИМИ ИШНИ СОДДАЛАШТИРАДИ

Халқ банкида йил охирига қадар юридик ва жисмоний шахсларга кредит ажратишда Солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда Скоринг тизими жорий қилинади. Натижада кредит олиш учун жисмоний шахслар паспорт, юридик шахслар эса бизнес-режа тақдим этишининг ўзи кифоя бўлади.

### ПЕНСИОНЕРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча пенсионер ва нафақа олувчиларига пенсия ва нафақаларни янада тезкор етказиб беришда бир қатор янгилıklar жорий қилинмоқда.

Хусусан, пенсионерларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда уларга бепул мах-

Скоринг тизими	
Амалда	Скоринг жорий этилгач
<b>Кредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар сони</b>	
10дан ортиқ	1 та (жисмоний шахс – паспорт; юридик шахс – бизнес-режа)
<b>Бир мижозга хизмат кўрсатиш вақти</b>	
Жисмоний шахс – 20 дақиқа; Юридик шахс – 40 дақиқа	5 дақиқа
<b>Кредитлаш жараёни: кунлик ўртача бир ходимга</b>	
ўртача 4 та	ўртача 12 та (300 фоизга ошади)

Манба: АТ «Халқ банки» маълумотлари.


сус пластик карталар очиб берилмоқда. Ўтказилган пенсия ва нафақа пуллари Халқ банкининг исталган шохобчаси ва жойлардаги банкоматлари орқали тўлиғича нақд ҳолда ечиб олиниши мумкин. Бунда ҳеч қандай фоиз олиб қолинмайди.

Бунинг учун республика бўйича яна мингдан зиёд нақд пул билан таъминлайдиган банкоматлар аҳоли энг гавжум жойларга ўрнатилади. Натижада юзлаб «Дамас»ларда нақд пул маблағларини ташиб юриш ўрнига пенсионер ва нафақа олувчиларга ҳалол ва холис хизмат кўрсатиш усуллари ва сифати ошади. Бир неча дақиқалар ичида пенсия ва нафақалар ўз эгаларига етиб боради. Халқ банкида эса бу хизматларни амалга оширишдаги ортиқча харажатларнинг олди олинади.

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛанаДИ

Иқтисодиётимизга хорижий кредит линияларини тўғридан-тўғри жалб қилиш бўйича 8та халқаро молия институтларидан жами 322 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини жалб қилиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Халқаро тўловлар янада тез ўтишини таъминлаш мақсадида Америка Қўшма Штатлари ва Германия банкларида вакиллик ҳисобва-рақлари очиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки жамоаси ўз олдида катта мақсадларни кўйган. Бу йўлда амалий ҳаракатлар бошланиб, дастлабки натижаларга ҳам эришилмоқда. Зеро Халқ банки юртошларимизнинг оилавий банкига айланиш йўлида хизматлар қўламини кенгайтириб бораверади.





# ХАЛҚ БАНКИ

**Халқ банкидаги жамғармаларингиз  
Сизнинг фаровонлигингизни  
мустаҳкамлаш учун хизмат қилади!**



[www.xb.uz](http://www.xb.uz)



[info@xb.uz](mailto:info@xb.uz)



**(0371) 200-00-55**

## Депозит



Хизматлар лицензияланган



**«BOLALAR XAZINASI»**



**«EXCLUSIVE-2»**

**18 ОЙГА  
ЙИЛЛИК 23%**



**«OPTIMAL»**

**ЙИЛЛИК 17%**



**«YUKSALISH»**

**ЙИЛЛИК 16%**



**«EXCLUSIVE»**

**13 ОЙГА  
ЙИЛЛИК 22%**



**XALQ BANKI**

*Халқ банки қулай шартларда  
энг юқори фоизли янги омонат  
турларини таклиф этмоқда*



[www.xb.uz](http://www.xb.uz)



[info@xb.uz](mailto:info@xb.uz)



[\(0371\)200-00-55](tel:(0371)200-00-55)

Хизматлар лицензияланган



# ХАЛҚ БАНКИ КРЕДИТЛАРИ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

*Аҳолини сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш бугун энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Фақат бизда эмас, бутун дунёда шундай ҳолат кузатилмоқда. Сайёрамизда аҳоли сони ортиб боргани сари одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб вазифага айланмоқда.*

**Ш**у сабадан ҳам мамлакатимиздаги энг йирик тижорат банки ҳисобланган Халқ банки озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаган ишбилармонларни молиявий томондан қўллаб-қувватламоқда.

Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Агро браво чорваси» фермер хўжалиги аъзолари аҳолини сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъ-

минлашга муносиб улуш қўшиб келмоқда.

– Гўшт ва сутни қайта ишловчи корхоналарнинг аксарияти дастлаб хомашё етиштириб, кейин уни тайёр маҳсулот тарзида ишлаб чиқаришга ўтган бўлса, бизда бу аънана бироз бошқача кечган, – дейди хўжалик раҳбари Акмал Салимов. – Дастлаб Самарқанд шаҳрида сутни қайта ишлайдиган, музқаймоқ ишлаб чиқарадиган корхона очиб, ке-

йинчалик ушбу фермер хўжалигини ташкил этдик. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки маҳсулотнинг сифати биринчи навбатда хомашёга, кейин технологияга боғлиқ. Гўшт ва сутни ўзимиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйсақ маҳсулот сифати ҳам, тури ҳам ошишини эътиборга олдик, шу мақсадда хориждан наслдор қорамоллар келтиргандик.

Албатта, бунинг ўзига яраша машаққатлари ҳам бўлди,

## ” МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

### ХАЛҚ БАНКИ ҚУЛАЙ ШАРТЛАРДА ЭНГ ЮҚОРИ ФОИЗЛИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТМОҚДА

«Exclusive-2» номли янги омонат тури бўйича 18 ойга йиллик 23 фоиз таклиф этилмоқда. Бу айни пайтда юртимиздаги тижорат банклари томонидан омонатчилар эътиборига ҳавола этилаётган энг даромадли таклиф, дейишимиз мумкин.

#### 13 ойга йиллик 22 фоиз

Агарда «Exclusive-2» омонат туридаги 18 ойлик муддат Сизга маъқул келмаса, унда омонатнинг «Exclusive» турида 13 ойга йиллик 22 фоиз таклиф этилади.

#### «Болалар хазинаси» – фарзандлар келажаги учун ғамхўрлик

Янгидан жорий этилган омонатлардан яна бири «Болалар хазинаси» бўлиб, энди фарзандингиз 7 ёшлигиданоқ унинг келажаги учун пул жамғариб бориш имконига эгасиз. Ушбу омонатда миллий валютадаги маблағингиз ҳеч бир қўшимча шартларсиз фарзандингиз 18 ёш-

га тўлгунга қадар йилига 18 фоиздан кўпайиб боради. Омонатчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) олгандан сўнг хазинасини ўзи истаган усулда банкдан олиши мумкин.

#### «Оптимал»ми ёки «Юксалиш»? Ўзингиз танланг!

Кўпчилик ойлик маоши ва бошқа даромадларидан йиғиб, турар жой харид қилишни, уй қуришни, автомобиль олишни ёки тўй қилишни режалаштиради. Улар учун бир ёки икки йил – узоқ муддат.

Буни ҳисобга олган ҳолда Халқ банки қисқа муддатли «Оптимал» ҳамда «Юксалиш» номли янги омонат турларини таклиф этмоқда. Яъни «Оптимал»га атиги олти ойга пул қўйиб, йиллик 16 фоизлик, «Юксалиш» бўйича эса тўққиз ойга йиллик 17 фоизлик қўшимча даромадга эга бўласиз.

лекин мақсадни аниқ қўйиб ҳаракат қилинса, барча қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкинлигига амин бўлдик. Бир неча марта чет элга бориб, фермерлар билан тажриба алмашдик, зотдор молларни парваришlashда нималарга эътибор қаратиш кераклигини ўргандик.

Ушбу фермер хўжалиги вакиллари тинимсиз изланишда. Ўндан ортиқ ишчи-ходим, ветеринар белгиланган меъёрлар асосида хориждан келтирилган зотдор молларни озиқлантириб, парваришlashяпти. Эътиборлиси, кутилган натижага эришиляпти. Шунинг учун Халқ банки Оқдарё филиалидан Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линияси орқали 155 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит олиб, бу йил Словакиядан 31 бош «Симменталь» ва 33 бош «Гольштин» зотли насли қорамоллар олиб келинди. Ҳозирда бузоқлари соғлом сигирларнинг ҳар биридан кунига 25–30 литр сут соғилмоқда. Шу пайтгача бу молларнинг бир нечаси болалади ҳам. Энди хўжаликда чорва комплексини янада кенгайтириш, иссиқхона хўжалиги фаолиятини йўлга қўйиш ҳаракати бошланган.

Халқ банки Самарқанд вилоят филиалининг молиявий кўмагида жорий йилнинг ўзида хориждан 800 бош насли қорамол, 1 минг 500 бош насли қўй, шунингдек, сут соғиш

ва қайта ишлаш ускуналари, қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда совутиш омборхонаси учун замонавий технологиялар келтирилди. Бунинг натижасида вилоятда 150дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, Самарқанд тумани «Талобат» фермер хўжалигига хориждан насли қорамол ва чорвачилик фаолиятида фойдаланиш учун мўлжалланган замонавий ускуналар сотиб олиш мақсадида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси орқали 239,2 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Ҳозирда фермер хўжалигида бу лойиҳа амалга оширилиб, қўшимча 8та янги иш ўрни яратилди.

Маълумотларга кўра, банкнинг Самарқанд вилояти филиали томонидан жорий йил бошидан буён Халқаро молия ташкилотларининг кредит линияси маблағлари ҳамда банкнинг хорижий валютада жалб қилинган ўз маблағлари орқали ҳудуддаги 23та корхона ва ташкилотга 4 миллион 590 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

### ЁШ ФЕРМЕРНИНГ ЙИРИК ЛОЙИҲАСИ

Қорақалпоғистонлик ёш фермер Тимур Панаев 2016 йил 20 бош наслдор қорамол билан хўжалик фаолиятини бошлаган эди. Шу йилнинг ўзида замонавий чорва комплексини барпо этиб, Герма-

ниядан 60 бош «Симменталь» ва 17 бош «Гольштин-фриз» зотдор қорамоллари, шунингдек, Австриядан 305 бош «Занен» зотдор эчкиларини олиб келди. Бундан ташқари, ўтган йили Испаниядан 315 бош «Мурсиана Гранадина» зотдор эчкилари ва 315 бош «Ассаф» зотдор қўйлари келтирилди.

Фермер хўжалигининг 400 гектар экин майдонида, 500 гектар яйловга эгаллиги чорва озукаси борасидаги масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади, деб бежиз айтишмаган. Хўжаликда мавжуд 10дан зиёд турли русумдаги техникалар ишлатилаётгани ҳам самардорликни таъминламоқда.

Чорва комплексидида иш жараёни автоматлаштирилган, компьютер ёрдамида бошқарилади, Швейцария ва Греция фирмаларининг замонавий асбоб-ускуналари ўрнатилган.

Фермер хўжалигида сигирлардан ҳар куни 850–900 литр, эчкилардан эса 250–300 литрдан сут соғиб олинмоқда. Етиштирилаётган сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни аҳолига тайёр маҳсулот сифатида етказиб бериш мақсадида фермер хўжалигининг Нукус шаҳридаги шўъбаси – «PanaMilk» мини-сут заводи ишга туширилди. Шунинг баробарида 12та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда заводда сут, кефир, қаймоқ, творог,

Фермер хўжалигида сигирлардан ҳар куни 850–900 литр, эчкилардан эса 250–300 литрдан сут соғиб олинмоқда. Етиштирилаётган сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни аҳолига тайёр маҳсулот сифатида етказиб бериш мақсадида фермер хўжалигининг Нукус шаҳридаги шўъбаси – «PanaMilk» мини-сут заводи ишга туширилди.

Янгидан барпо этиладиган комплексга куз ойларида 66 бош «Гольштин-фриз», 31 бош «Симменталь» зотдор қорамоллари олиб келинади. Бу лойиҳа бўйича Австрия мамлакатининг «Agro Breeding GmbH» компанияси билан 248 850 Еврога шартнома тузилиб, у Халқ банкининг Қораўзак тумани филиали томонидан молиялаштирилди.

пишлоқ каби 54 турдаги сут маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, Нукус шаҳридаги 4та, Хўжайли туманидаги 1та махсус дўконларда сотилмоқда.

– Яқин кунларда 100 бош молга мўлжалланган яна бир замонавий чорва комплекси ишга туширилади, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Тимур Панаев. – Янги комплексга Туркиянинг замонавий ускуналари ўрнатилади. Бунинг учун Халқ банкининг Қораўзак тумани филиалидан 118 минг АҚШ долларидан зиёдроқ миқдорда кредит ажратилди.

Янгидан барпо этиладиган комплексга куз ойларида 66 бош «Гольштин-фриз», 31 бош «Симменталь» зотдор қорамоллари олиб келинади. Бу лойиҳа бўйича Австрия мамлакатининг «Agro Breeding GmbH» компанияси билан 248 850 Еврога шартнома тузилиб, у Халқ банкининг

Қораўзак тумани филиали томонидан молиялаштирилди.

Аҳолининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талабини қондириш мақсадида яқин кунларда яна бир мини-сут заводини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Ушбу заводга Италиянинг сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналари ўрнатилди. Кунига 8 тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган ушбу заводда 1 литрлик қадоқланган сут, йогурт, сметана, творог, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Натижада Оролбўйининг барча туманлари аҳолисини фермер хўжалигида етиштирилган тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти юзага келади.

– Мамлакатимизда жадал суръатларда ривожланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусан, фермер хўжалик-

ларини қўллаб-қувватлашда банк томонидан ажратилаётган кредитлар муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Халқ банкининг Қораўзак тумани филиали бошқарувчиси ўринбосари, мониторинг операциялари бўлими бошлиғи Осербой Қириқбоев. – Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида жисмоний ва юридик шахсларга 7 миллиард 911 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, тумандаги «LATIPA» масъулияти чекланган жамиятига автомобилларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун 200 миллион сўм, «ROXAT QORAUZAK» масъулияти чекланган жамиятига нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилиш учун 170 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. «Panaev Farms» фермер хўжалиги билан узоқ йиллик ҳамкор-





Аҳолининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талабни қондириш мақсадида яқин кунларда яна бир мини-сут заводини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Ушбу заводга Италиянинг сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналари ўрнатилди. Кунига 8 тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган ушбу заводда 1 литрлик қadoқланган сут, йогурт, сметана, творог, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

лигимиз чорвачилик соҳасини ривожлантириш, аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

### 19 БОШ ҚОРАМОЛ 465 БОШГА ЕТДИ

– Бундан саккиз йил олдин 19 бош жайдари қорамол билан иш бошлаган эдик, – дейди Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Фулумжон» фермер хўжалиги раҳбари З. Отабоева. – Ўтган даврда Халқ банкининг имтиёзли кредитлари эвазига Германия ва Австриядан 160 бош насли «гольштин» зотли қорамол олиб келдик. Бугун уларнинг сони 320 бошга етди. Айтиш керакки, Халқ банкининг мо-

лиявий кўмагида хўжалигимиз тобора ривожланмоқда.

Албатта, фермер хўжалигимиз аҳолига сифатли гўшт ва сут маҳсулотларини тақдим этиб келмоқда. Хўжаликда кунига икки тонна сут ишлаб чиқарилмоқда. Шундан 1,5 тоннаси қайта ишлаш корхонасига шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Бугун «Фулумжон» фермер хўжалиги вилоятдаги энг йirik чорвачилик йўналишидаги хўжаликлардан бири сифатида тилга олинади. Ундаги қорамоллар сони 465 бошга етган, шундан 320 боши Германиядан келтирилган зотдор қорамоллардир. Хўжаликка чорва озуқаси учун 151 гектар ер майдони ажратилган.

Таъкидлаш лозимки, чорвачиликдан барака топаётган хўжалик жамоаси фаолиятини

янада кенгайтириш мақсадида яқинда лойиҳа қиймати бир миллиард сўм бўлган молхона қуриб битказилди. Энди шу ернинг ўзида 200 бош қорамол боқилади, сути соғиб, шу ернинг ўзида қайта ишланади. Албатта, бу лойиҳа ҳам Халқ банкининг молиявий ёрдамида амалга оширилади.

### МЕВАЛАРИМИЗ ХОРИЖДА ХАРИДОРГИР

Юртимизда етиштирилган мевалар хорижда ҳам харидоргир. Чунки меваларимизни бир бор татиб кўрган киши унинг таъминини унутолмайди. Бунинг четга экспорт қилинаётган мева-сабзавотлар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин.

Фарғона вилоятидаги «Sottixon Erkayeva fayzi» фер-



мер хўжалиги аъзолари ўзимизда етиштирилаётган сархил меваларни хорижга экспорт қилишни йўлга қўйган. Айти пайтда фермер хўжалиги томонидан олма, ўрик, гилос, шафтоли каби мевалар Хитой ва Дубайга экспорт қилинмоқда. Қолаверса, Исроил давлати билан 78 минг АҚШ долларилек, Россия давлати билан 100 минг АҚШ долларилек музлатилган меваларни етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланган.

– Хитойдан келтирилган махсус совуткич ёрдамида мевалар 5 даражали ҳароратда

сақланади, – дейди хўжалик раҳбари Соттихон Эркаева. – Шунда меваларни узоқ масофага элтиш имконияти туғилади, асл таъми сақлаб қолинади.

Албатта, ушбу замонавий ускуналарни олиб келишнинг ўзи бўлмади. Сабаби, бунинг учун яхшигина сармоя керак бўлади. Хўжалигимизда уни бирийўла харид қилиш имконияти йўқлиги сабабли Халқ банкидан молиявий ёрдам сўрадик. Банк мутахассисларига ҳам лойиҳамиз маъқул келди ва тез фурсатларда 220 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратилди.

Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 7 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2 трлн. 562 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Натижада жойларда 9 300 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

#### ABSTRACTS

#### THE PEOPLE'S BANK IS MAKING PROGRESS TOWARDS ITS DEVELOPMENT, AND ITS LOANS CONTRIBUTE TO THE WELL-BEING OF THE PEOPLE

The financial stability that is observed in the development of the Joint-stock commercial People's Bank is noted even by prestigious international organizations. The Bank has the most widespread network of branches among the banks of Uzbekistan and is really considered the people's bank, which actively diversifies its services.

*Реклама ўрнида.*

Фарғона вилоятидаги «Sottixon Erkaeva fauzi» фермер хўжалиги аъзолари ўзимизда етиштирилаётган сархил меваларни хорижга экспорт қилишни йўлга қўйган. Айти пайтда фермер хўжалиги томонидан олма, ўрик, гилос, шафтоли каби мевалар Хитой ва Дубайга экспорт қилинмоқда. Қолаверса, Исроил давлати билан 78 минг АҚШ долларилек, Россия давлати билан 100 минг АҚШ долларилек музлатилган меваларни етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланган.

# «ТУРОНБАНК» АТБНИНГ ИСТИҚБОЛГА САРФЛАЁТГАН САРМОЯЛАРИ

*«Туронбанк» АТБнинг сўнгги йилларда эришадган ютуқлари халқаро кўрсаткичлар даражасида ҳам эътироф этилиб, жаҳон рейтинг агентликлари томонидан муносиб баҳоланмоқда. Бу муваффақиятлар банк тизимидаги бизнес-жараёнларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳамда ислохотлар натижасидир.*



**Т**изимдаги ислохотлар самараси банкнинг кредитлаш борасидаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Кўплаб истиқболли лойиҳаларга ажратилаётган сармоялар мамлакатимизда тадбиркорлик, бунёдкорлик каби соҳалар ривожланишида ҳамда шу билан бир қаторда кўплаб янги иш ўринлари яратилишида ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига банк кредит қўйилмалари ҳажми 3053,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан қисқа муддатли кредитлар қолдиғи 294,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Албатта, ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, жорий йилда эришилган натижалар ўтган йиллардагига нисбатан бир неча баробар юқоридир.

### ЯНГИ ЛОЙИҲА – ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Банк томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган 717,4 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар, ўз навбатида, жойларда юзлаб янги лойиҳалар ва минглаб янги иш ўринлари яратилишига асос бўлганлиги ижобий натижадир.

Бундан ташқари, йирик ишлаб чиқариш корхоналарига хомашё маҳсулотлари ва технологик ускуналар хариди учун 109,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга эса қарийб 131,2 млрд. сўмлик маблағлар ажратилди. Республикаимизнинг турли ҳу-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомидаги кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнларида белгиланган вазифалар доирасида 2019 йил биринчи ярим йиллигида банкимиз томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳаларнинг жами 35таси ўз вақтида амалга оширилган бўлиб, ушбу лойиҳалар учун «Туронбанк» АТБ томонидан 46,5 млрд. сўм миқдоридagi банк кредит маблағлари ажратилди.

дудларида сервис соҳасини ривожлантиришга банкимиз томонидан жорий йилда ажратилган 263,3 млрд. сўмлик маблағлар тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

Жумладан, деновлик тадбиркор Пирим Турдиевнинг «Авто тармоқ сифат» хусусий корхонасига автомобиль эҳтиёт қисмлари савдосини ташкил қилиш ҳамда жорий таъмирлаш хизматларини янада кенгайтириш мақсади-

да жорий йилда «Туронбанк» АТБ томонидан ажратилган 300 млн. сўмлик кредит маблағлари ҳисобига туманда 5та янги иш ўрни яратилди:

– «Айни кунларда қишлоқ хўжалиги техника воситаларини таъмирлаш хизматларини ҳам йўлга қўйганмиз, келгусида корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш учун янги лойиҳаларимизни «Туронбанк» билан ҳамкорликда амалга оширамыз», – дейди у.

«Фаёзбек мобиль сервис» хусусий корхонаси ҳам бир



Аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида аёллар бошқарадиган кичик корхоналарга жами 79,3 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга эса 9,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу эса олис қишлоқ ҳудудларида ҳам янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини бериб, ҳудуд ривожига ҳам ижобий таъсир этди.

неча йиллар давомида «Туронбанк»нинг кредит маблағлари ҳисобидан ўз тадбиркорлик фаолиятини дорихона йўналишида амалга ошириб келмоқда.

– «2018 йилда «Туронбанк» АТБ томонидан ажратилган 140 млн. сўмлик кредит маблағлари ҳисобига, жорий йилда эса 88 млн. сўмлик кредит маблағлари ҳисобига дорихонага ихтисослашган тадбиркорлик фаолиятимизда 4 кишилик иш ўрни яратиб, уни «Туронбанк» билан ҳамкорликда янада кенгайтирмоқдамиз», – дейди корхона раҳбари, тадбиркор Рустам Холиқов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомидаги кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнларида белги-

ланган вазифалар доирасида 2019 йил биринчи ярим йилгида банкимиз томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳаларнинг жами 35таси ўз вақтида амалга оширилган бўлиб, ушбу лойиҳалар учун «Туронбанк» АТБ томонидан 46,5 млрд. сўм миқдоридagi банк кредит маблағлари ажратилди.

